

Неъматларни қадрига етиш



09:30 / 20.03.2022 2836

Ёши саксонга борган отахон кунларнинг бирида сийдик тутилиши касаллигига чалинди. Ўғиллари уни шифохонага олиб боришди. Аллоҳнинг фазли билан шифокор муолажа қилди, отахонга катетер улаб қўйилди, бавл чиқиб кетиб, оғриқ тўхтади. Ўғиллар шифокорга ташаккур айтиб, миннатдорликларини изҳор этдилар. Сўнг оталари аҳволини билиш учун унинг олдига келдилар. Қарасалар, отахон сел бўлиб йиғлаётган экан. Улар «Касаллик ариди, нега йиғлаяпсиз?» деб сўрашди. Отахон бироз тин олгач, йиғисининг сабабини тушунтирди «Шифокор менга бир марта ёрдам берди, биз унинг яхшилигини ҳис қилдик ва унга кўп ташаккур айтдик. Аллоҳ таоло менга саксон йилдан бери ҳеч қандай жарроҳлик амалиётисиз карамини, эҳсонини ато этиб, айбларимни яшириб турибди. Аммо Унинг фазлини ҳис қилмабман».

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ «Агар Аллоҳ бандасининг кўзидан пардани очиб ташласа ва Аллоҳ унинг ишларини қандай тадбир қилаётганини, Аллоҳ банданинг фойдага эришишига ўша банданинг ўзидан ҳам ҳарис эканини, Аллоҳ ўша бандага, унинг онасидан ҳам меҳрибон эканини билдириб қўйса, банда Аллоҳга муҳаббат қилиб қалби эриб кетар, Аллоҳга шукр қилавериш қалби майдаланиб кетарди» деган эканлар.

Аллоҳ меҳрибон зот. У бандасига яхшиликни хоҳлайди. Роббимизнинг бизга бераётган неъматлари, раҳматлари саноксиздир. Кўпинча биз ўша неъматларни ҳис қилмаймиз. Масалан, саломатлик неъматини бемор бўлганимиздагина ҳис қиламиз. Агар Аллоҳ таолонинг бизга ато қилган ва қилаётган неъматларини ҳис қилиб, шукрини адо этсак, неъматлар зиёда бўлади. Агар шукрини адо этмасак, неъмат олиб қўйилади ва ўрнига азоб келади.

Аллоҳ таоло бизни неъматнинг қадрига етадиган, унинг шукрини адо этадиган бандаларидан қилсин! Ношукрликдан, нонкўрликдан Ўзи асрасин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади